

Бизлар ким қуйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «АААА-786» МЧЖ раҳбари Э.Ортиқов келгусида «Таъминотчи» деб номланади ва иккинчи томондан Андижон Вилоят бош тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси раиси Ш.Исламов келгусида «Буюртмачи» деб номланиб, қуйидаги мазмунда шартнома туздиқ.

#### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги қуйида келтирилаётган махсулотларини етказиб бериш, «Буюртмачи» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Махсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қиймати
1	Стул металлический	дона	50	799000	39950000
	Жами				39 950 000

#### 2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган товар махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ булиши ҳамда сифат сертификатидан утказилган булиши лозим.

#### 3. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси Қушимча қиймат солигисиз **39 950 000 (ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз эллик минг ) сўмни** ташкил этади.

3.2. Хисоб китоб «Истеъмолчи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома кучга кириб, тегишли Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, тасдиқлангандан сўнг 5 банк иш кунинда «Буюртмачи» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тариқасида «Таъминотчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4. Қолган охириги 70% «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб варақ фактуралари асосида маблағ 30 банк иш кунинда ўтказиб беради.

3.5. «Буюртмачи» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 5 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Буюртмачи» га етказиб беради.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Таъминотчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Етказиб берилган товар махсулот олдиндан ҳақ туланиши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тула ҳажмда узил-кесил хисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган товар махсулотни қабул қилиш асосисиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «Таъминотчи» қуйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида етказиб бериш;

- Агар товар махсулотни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул тузатиб бериш;

4.3. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандарти ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотни етказиб берилишини талаб қилиш;

- Баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

4.4. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

- уз буюртманомаси бўйича етказиб берилган товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

#### 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб хисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. «Буюртмачи» нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.4. «Буюртмачи» муддатлари бузилган ҳолда етказиб берилган товар махсулотни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

5.5. Етказиб берилган товар махсулот бевосита «Буюртмачи» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Буюртмачи» нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.7. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товар махсулотнинг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»нинг буюртманомасида кўрсатилган сана бошланишидан қаида 1-кун олдин хабардор қилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилган товар махсулот сифати микдори "Таъминотчи" томонидан нотугри аниқланиши, уларнинг киймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши холлари аниқланган тақдирда "Таъминотчи" етказиб берилган товар махсулотнинг сифатини шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи» га нотугри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20% микдорида пеня тулайди.

6.2. Агар етказиб берилган товар махсулотнинг сифати, ассортимент, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада булмаган товар махсулот кийматининг 20% микдорида пеня тулайди.

6.3. Товар махсулот етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи "Истеъмолчи"га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак булган товар махсулотнинг 20% микдорида пеня тулайди. Жаримадан ташқари "Таъминотчи" «Буюртмачи» га товар махсулот етказиб беролмаслиги натижасида аниқланган зарарни тулайди.

6.4. Товар махсулотни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда "Таъминотчи" «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар махсулот кийматининг 50% дан ортиқ булмаслиги керак.

6.5. Етказиб берилган товар махсулот учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» "Таъминотчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% микдорида пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50% дан ортиқ булмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## 7. ФОРС – МАЖОР.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурий бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага қура, муस्ताқил равишда улар судгача хал этиш чорларини қурадилар.

8.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8.3. Шартнома бузилиб узаро келишилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлар асосида (ёки арбитраж) орқали хал қилинади.

## 9. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати микдори ва суммаси тугрисидаги узгариш бўлса, олдиндан узаро келишувга асосан узгартириш киритилади.

9.2. Форс мижор ҳолатида шартнома бузилса, узаро келишиб олинади.

9.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жиҳатидан тенг қучли ҳисобланади.

## 10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Ушбу шартнома ҳудудий газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, биринчи нусхаси "Таъминотчи" да сақланади иккинчи нусхаси «Буюртмачи» да сақланади.

## 11. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»  
AAAA-786 МЧЖ

(етказиб берувчи номи)

«Буюртмачи»

Андижон Вилоят бош тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси

(бошқарувчи ва раҳбарнинг номи)

Манзил: Андижон вилояти Шаҳрихон тумани  
Назармаҳрам МФЙ  
Х/р 20208000905485465001  
Банк номи Хамкорбанк Шаҳрихон филиали  
МФО: 00039  
СТИР: 309245677



Раҳбар:  Э.Ортиков



Раҳбар:  Ш.Исламов

1001:  А.Муллаев